

А Ж Р И М

(Жиноят ишени тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатиш тўғрисида)

2022 йил ноябрь ойининг 3 куни, Жиноят ишлари бўйича Нишон туман судининг Нишон тумани Нишон МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида,

Раислик қилувчи: шу суд раиси Ш.Г.Ҳасанов,

Судья ёрдамчиси Ш.Исмоилов, тарафлардан давлат айбловчиси Нишон тумани прокурори ёрдамчиси М.Курпаев, М.Ганжиевнинг ҳимоячиси адвокат А.Абдиев, фуқаровий даъвогар вояга етмаган М.Холтурахужаевнинг қонуний вакили Ш.Эркабоеваларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда Ганжиев Махмадиёр Махманазаровични томонларнинг ярашганлиги муносабати билан судга келган № 1-1813-2201/172-сонли жиноят ишени судда кўриб чиқди.

Ганжиев Махмадиёр Махманазарович, 1988 йил 29 июнь куни Нишон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ишсиз, Қашқадарё вилояти Нишон тумани “Нишон” МФЙда яшайди.

Суд, тарафларнинг фикрини эшитиб, ярашганлик тўғрисидаги аризаларни муҳокама қилиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Иш ҳужжатларида, Ганжиев Махмадиёр Махманазарович, 2022 йил 28 октябрь куни соат 23:12 ларда Нишон тумани “Гулзор” МФЙда жойлашган Абдиназаров Сарварбекнинг компьютерхонаси олдида турган вояга етмаган Холтурахужаев Мухаммадалихон Нуриддинхон ўғлига тегишли бўлган 1 дона оқ рангли бозор баҳоси 1.100.000 сўмлик “Ўрал” русумли велосипедни яширин равишда ўғирлик йўли билан талон-торож қилиб, ҳодиса жойидан яширинганликда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 1-қисми билан гумонланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб этган.

Фуқаровий даъвогар вояга етмаган М.Холтурахужаев судга қонуний вакили Ш.Эркабоевани иштирокида ярашув тўғрисидаги аризасини тақдим этиб, М.Ганжиев ўзини содир этган қилмиши учун ундан кечирим сўраб, етказилган зарарларни тўлаганлиги сабабли улар ўзаро келишиб ярашиб кетишганлигини, улар билан ўрталаридаги ярашув ихтиёрий эканлигини, уларни ярашиб кетишларида четдан бирор-бир тазйиқ бўлмаганлигини, унга ЖПК 583-моддасининг 5-қисми талаби яъни, суд ярашувни тасдиқласа мазкур иш бўйича қайта илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилганлигини баён қилиб, М.Ганжиевга нисбатан юритилган жиноят ишени уларнинг ўзаро ярашганликлари муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тугатишни сўради.



Гумон қилинувчи Ганжиев Махмадиёр Махманазарович судга ярашув тўғрисидаги аризасини тақдим этиб, ҳақиқатдан ҳам айбига ихтиёрий равишда тўлиқ иқрорлик ва пушаймонлик билдириб, содир этган қилмишнинг оқибатларини англаганлигини ва етказилган зарарни бартараф этиш чораларини кўриб, фуқаровий даъвогар вояга етмаган М.Холтурахужаевдан кечирим сўраганлигини ҳамда унга етказилган зарарни тўлиқ тўлаб, ўзаро келишиб ярашиб кетганлигини, у билан ўртасидаги ярашув ихтиёрий эканлигини, уни ярашиб кетишида четдан бирор-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашувга розилигини баён қилиб, ўзига нисбатан юритилган жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига кўра, жабрланувчи Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкин бўлиб, Ганжиев Махмадиёр Махманазарович ҳам ЖКнинг 66¹-моддасида назарда тутилган ярашув асосида тугатилиши мумкин бўлган ЖК 169-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган, у ўз айбига ихтиёрий иқрор бўлишиб, содир этган қилмишнинг оқибатини англаган ҳамда етказилган зарарларни тўлиқ бартараф этиб, жабрланувчи билан ўзаро ярашган, уларнинг ярашишларига четдан бирор-бир тазйиқ бўлмаган ва улар ярашувга розилар.

Суд, ҳимоячи ва прокурор фикрини эшитиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти хақида”ги 27-сонли Қарорида берилган тушунтиришларга риоя қилган ҳолда иш бўйича тарафларнинг ярашганлиги, жиноят ишини ярашилганлиги муносабати билан Ганжиев Махмадиёр Махманазаровични айблилик тўғрисидаги масаласини ҳал қилмасдан тугатишни, жабрланувчига етказилган зарарларни бартараф этилганлигини қайд этишни лозим топди.

Суд, иш бўйича ашёвий далил деб, эътироф этилган бир дона оқ рангли “Урал” русумли велосипедни М.Холтурахужаевга тилхат орқали қайтарилганлигини, 1 дона “DVD” дискни жиноят иши билан бирга сақлашликни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84, 401, 4979, 549, 585-586-моддалари тартибида, суд

а ж р и м қ и л д и :

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисми билан Ганжиев Махмадиёр Махманазаровичга нисбатан бўлган 1-1813-2201/172-сонли жиноят иши бўйича тарафларнинг ярашганликлари қайд этилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ва ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосан Ганжиев Махмадиёр Махманазаровични айблилик тўғрисидаги масаласи ҳал қилинмасдан жиноят иши тугатилсин.



Иш бўйича ашёвий далил деб, эътироф этилган бир дона оқ рангли “Урал” русумли велосипедни М.Холтурахужаевга тилхат орқали қайтарилганлиги, 1 дона “DVD” диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Жабрланувчига етказилган зарарлар тўлиқ тўлаб, қоплаб берилганлиги ва тўлиғича бартараф этилганлиги инобатга олинсин.

Тарафларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддасида қайд этилган суд ярашувни тасдиқласа шикоят қилиш ваколати йўқлиги тушунтирилганлиги қайд этилсин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма сутка ичида шу суд орқали Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига хусусий тартибда шикоят қилишга, прокурор эса хусусий протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

Ш.Ҳасанов

Ажрим раислик этувчи томонидан алоҳида хонада “DELL” русумли компьютерда ёзилди.

